

16 январда кишлок «Турон» сахнасида Эрон асотиридан олиб ёзилгон «Коваи охангар» пиесасини томоша килдик.

Усмонли туркларнинг улуг адибларидан машхур Шамсиддин Самибекнинг бу атокли пиесаси Тошкент ўзбек сахнасида биринчи маротаба жонланадир. Бу асарга Давлат труппаси хийла катта ахамият бериб, яхши хозирлик кўрган: асарнинг ўзи учун махсус декоратсия ишланган. Усмонличадан ўзбекчага ағдариш вазифасини ҳам труппанинг режиссури Уйгур ўрток ўзи ўтаганлигидан асарнинг «сахналаниши» хийла тузалган. Йўк эса мухаррирнинг ўзи асарнинг бу жихатига («сахналаниш» жихатига) кўбда ахамият бера олгон эмас. Холбуки сахна учун ёзилатургон асарларнинг муваффақиятсиз чиқишига аксар вақт шу «сахнабоб беролмаслик» сабаб бўладир.

Бу асар ўйналгонда Давлат труппаси хайъатида янги, умидли кучларнинг ортмагонлиги кўрулди. Балки, аксича, баъзи бир эпчил артистлар бир-икки йилдан бери сахнадан узокда юрадилар. Уларни кайтадан сахнага жалб этмакка барчага баробар бўлгон пул танглиги ва унинг оркасида келган таъминотсизлик балоси монёъ бўлуб тургонга ўхшайдир. Йўк эса труппанинг бурунги кучлари барчаси ўз сафида бўлса, ва бунинг устига яна янги кучлар кўшилгон бўлса, кўб куч катнашиб ўйналатургон бу асар яна ҳам тантаналирок, яна ҳам тўларок чиккон бўлур эди. Кандок килайликки, ўлкамизнинг бирдан бир санъат хазинаси зўр гайрат, катта фидокорликлар билан зўрга-зўрга судралиб келмакдадир...

Труппанинг умумий хайъати (состави) бир кадар тўла бўлмаса ҳам, эпчил кишиларининг кўплиги, иккинчи бир таъбир билан айтсак бир кадар кучларнинг сараланган, талангон ўткур санъаткорлардан иборат бўлиши ёгидан труппа жуда жиддий, жуда кенгдир. Бунинг биз «Коваи охангар»да яхши кўрдик. Одам озлиги, дабдаба камлигини кучларнинг яхшилиги, сахна ва декоратсиянинг тўлалиги буткул ювуб кетди десак мумкин. Бу хусусдаги камчилик анча-мунча карашка рўй бермайдир. Ёзилмоги тегиш бўлгон шу мукаддималардан сўнг энди пиесанинг ўйналиши ёгига келайлик. Пиесанинг энг зўр кахрамони бўлубда биринчи, иккинчи ва тўртинчи пардаларда хар дам, хар нафасда янги-янги фалокатлар кўратургон хар дакикада неча рангга, неча холат ва рухияга тилмоч бўлатургон Фарход рўлида Сайфи кори бўш эди. У кунги Фарходда биз рухий холатларнинг дакика-дакикада ўзгаришини, янги воқеа ва ходисалар огир фалокат ва балолар каршисидаги кўруб ўтиш (переживание) ларнинг энг озини ҳам кўрмадик. Яна бунинг устига «ёшим саксонга етди» деган чолнинг афти башараси ва харакатлари кўбрак ёшларча бўлуб ўтди... Сайфи кори умидлик артистларимиздан биридир, кейинча бундай хатоларни такрорланмаслигига ишонамиз. ..Пиесанинг катта кахрамонларидан бири бўлгон ва «фиръавнлашган» Заххок рўлида Уйгур дуруст эди.. Заххок гоят золим

ва мустабид деб кўрсатилгани учук хам унинг «фиръавнлашган» лиги асосига таяниб Уйгур ул рўлни жуда каттик ўйнади ва шунинг билан — бизнинг фикримизча — бироз ортдириб юборди. Аввал Парвез бўлуб, сўнг Фаридунга айланатургон ёш йигит рўлида Шокир яхши.

Локин бу йигит ўюнни бошдан-оёк бир товуш (тон) билан олиб борадир. Пиесанинг асл, туб кахрамони бўлгон исёнчи (Кова) рўлида Аброр яхши.

Захнокнинг кизи Хўбчехра рўлида Маъсума хоним дуруст бўлса хам уни бир подшоҳ кизи ёки тўгриси, бир киз килиб кўрсата олмайди. Аксинча унинг онаси (мураббияси) рўлидаги Маърифат ундан кўра кўпрак жиккилаб, кўпрак жонланди. Колгонлардан: Пахлавон Кахшон рўлида Босит, рохиб рўлида Музаффар, таъбирчи рўлида Ўктам, Кова хотуни рўлида Робия текис олиб бордилар.

Бизнинг сахна ўюнларимизда бир неча камчилигимиз борким, унлар шу «Кова»да айникса кўпрак кўзга илиндилар: биринчи — бизда тузаниш (грим)га кўб ахамият берилмайдир. Тузанишни шошилиб ясайлар-да, сўнгра сунъий сочлар остидан хакикий сочлар — кўб вақт — «мана мен» деб кўрунуб кўядилар. Иккинчи — бизнинг артист ва артистларимиз (Уйгурдан бошқаси) яширин товуш чикаришка ўргана олмайлар. Улар бировнинг кулогига бир нарса айтсалар томошачилар эшита олмайдилар, томошачиларга эшитдирилса махфий, сирлик бўлишдан чикиб кетадир. Холбуки, икковининг ўртасида бир йўл бор, уни бошқа халкларнинг сахналарида яхши биладилар. Учинчи — бизнинг артист ва артистларимиз (айникса кейингилар)нинг кўблари арабий ва форсий сўзларни кўб янглиш гапиралар. Тарихий пиесаларда; айникса, шарк тилларидан таржима килингон асарларда бу жуда кўб бўладир. Буни битирмак керак.

Умуман олгонда «Коваи охангар» сахнамизда энг яхши ва муваффакиятлик ўйналгон асарлардандир.

Бу асар халкнинг сўрови бўйинча 31 январда яна бир маротаба ўйналди. Бу гал ўйналишида энг мухим рўллардан тўрт рўлни алмаштириб ўйнадилар. Бу ҳақда иккинчи маротаба тагин гаплашармиз.

Коваи охангар — макола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 6 февраль сонида босилган.

Асотир — афсона, ривоят.

Шамсиддин Сомибек (1850—1906) — турк ёзувчиси, драматург ва файласуфи. «Шохнома»нинг «Кова» достони асосида яратилган «Коваи охангар» 1906 йилда ёзилган.

Музаффар — Музаффар Мухамедов (1901, Тошкент), ўзбек театри актёри ва режиссёр, ЎзССР халк артисти. Ижодий фаолиятини 1919 йилда Карл Маркс труппасида бошлаган, жумхурият театрларида катор пьесаларни сахналаштирган.